

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ !

Ўзбекистон Республикаси 2019-йил 10-май кунги “Давлат хусусий-шерикчилик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 26-апрелдаги “Давлат хусусий- шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сонли қарорига асосан туман хокимлиги мулки хисобланган Яккатут МФЙ Яккатут қишлоғида жойлашган “Тиббиёт муассасаси” ҳамда “Таълим муассасаси” биносини **замонавий кўринишда реконструкция қилиш ва жихозлашга хар бир объект учун лойиҳа-смета хужжатлари асосида 400 минг АҚШ доллори жами: 800 минг АҚШ доллори маблағ инвестиция киритиш орқали** иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва илғор бошқарув тажрибасини жорий этишга ижара ҳуқуқи асосида тендер эълон қилинади.

“Тиббиёт муассасаси” ҳамда “Таълим муассасаси” биносини **замонавий кўринишда реконструкция қилиш ва жихозлашга** давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида аризалар юридик шахслардан 45 кун муддат ичида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини, лойиҳани баҳолаш хужжатини шунингдек дастлабки малака хужжатлари тўпламини ариза орқали туман хокимлиги тақдим этиш мумкинлиги билдирилади.

Ўзбекистон туман хокимлиги- Фарғона вилояти Ўзбекистон туман Яйпан шаҳри Зиёкор кўчаси 98-уй. Тел: 73-539-21-21.

1. Талаб этиладиган хужжатлар;

1. Танловда иштирок этиш учун аризани тақдим этиладиган кундан бошлаб бир ой олдинги ҳолатга кўра, солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги ахборот;

2. Хусусий шерикнинг соф активлари, бошқа ташкилотнинг лойиҳа қийматидан камида 25 фоиз миқдоридаги кафолати тўғрисида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг молиявий имкониятларини тасдиқловчи ахборот;

3. Яккатут МФЙ Яккатут қишлоғида жойлашган кадастр рақами: 15:15:40:01:02:0022, умумий ер майдони 3064,00 кв.м, бино ва иншоотлар майдони 1009,62 кв.м, тупроқли майдон 2054,38 кв.м бўлган собиқ “Тиббиёт муассасаси” биноси ҳамда кадастр рақами: 15:15:40:01:02:0035, умумий ер майдони 4632,00 кв.м, бино ва иншоотлар майдони 1654,04 кв.м, тупроқли майдон 2438,42 кв.м, ҚТМ 534,54 кв.м бўлган “Таълим муассасаси” биноси ҳозирда фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги сабабли ўз мақсади бўйича лойиҳа-смета хужжатлари таклифи;

4. Амалга ошириладиган ишлар бўйича дастлабки техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Қўшимча маълумотлар:

Танловда қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулки ҳибсга олинган даъвогарнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди. 1 / 1